

II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йил январь–декабрь ойларида 26950,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 155,8 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 21323,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 164,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1585,1 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 19738,6 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан мос равишда 102,4 фоиз ва 173,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2018 йил январь–декабрь ойларида)


	млрд. сўм	2017 йил январь-декабрига нисбатан фоизда
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	26950,7	155,8
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	105,7	102,6
<i>шу жумладан:</i>		
нефть- газ, кўмир, лигнит қазиб олиш	77,4	100,7
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолияти	12,9	111,3
тоғ-кон саноати соҳасида хизмат кўрсатиш	15,4	104,5
Қайта ишлаш саноати	26402,0	157,4
<i>шу жумладан:</i>		
озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1741,0	102,1
пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	3931,0	113,2
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	16,6	106,2
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	6,5	110,3

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь- декабрига нисбатан фоизда</i>
мебель ишлаб чиқариш	182,8	100,7
кимёвий маҳсулотлари, резина ва пастмасса буюмлар ишлаб чиқариш	456,5	114,2
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	281,8	115,1
фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	5,9	106,0
металлургия саноати	11,3	110,7
тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	224,8	101,8
электрон ва оптика, электр товарлар ишлаб чиқариш	464,2	116,6
автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	19017,6	188,7
бошқа турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	62,0	100,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	398,2	95,9
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	44,8	133,5
<i>шу жумладан:</i>		
сув таъминоти, оқава сув	29,2	117,0
чиқиндилар йиғиш, утилизация қилиш ва бошқа маҳсулотлар	15,6	180,3

Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди. Умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият

турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши куйидагича тавсифланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



- Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қайта ишлаш саноати
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш



Тоғ кон саноати ва очик конларни ишлаш. Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 105,7 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,4 фоизи)ни ташкил этди.



Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати) 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 26402,0 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 98 фоизи)ни ташкил этди.



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 398,2 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,4 фоизи)ни ташкил этди.




Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш. Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 44,8 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,2 фоизи)ни ташкил этди.

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Андижон вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Асака тумани (Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 63,3 % улушини), Андижон шаҳар (15,7 %), Хонобод шаҳар (3,5 %), Шаҳрихон тумани (2,5 %), Хўжаобод тумани (1,8 %) ҳиссасига тўғри келади.

Худудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да
(2018 йилнинг январь-декабрь ойларида)



Худудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш сураъти
(2018 йилнинг январь-декабрь ойларида)

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>ўсиш сураъти %</i>
Вилоят бўйича:	26950,7	155,8
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	4231,6	135,4
Хонобод	942,5	123,6
<i>туманлар:</i>		
Андижон	628,0	110,6
Асака	17071,9	189,3
Балиқчи	462,4	101,3
Бўз	117,8	102,8
Булоқбоши	182,6	109,3
Жалақудук	389,6	106,9
Избоскан	448,2	112,0
Улуғнор	117,6	101,5
Мархамат	263,2	108,2
Олтинқўл	458,6	104,4
Пахтаобод	156,5	107,2
Хўжаобод	474,3	110,3
Шаҳрихон	673,2	110,5
Қўрғонтепа	332,9	114,6

2018 йилнинг январь-декабрида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 26950,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 155,8 фоизни ташкил қилди. Вилоятда энг кўп саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг улуши Асака тумани (63,3 %), Андижон шаҳри (15,7 %), Хонобод шаҳри (3,5 %), Шаҳрихон (2,5 %), Хўжаобод (1,8 %) туманлари хиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга энг кам улуш Бўз (0,4 %), Улуғнор (0,4 %), Булуқбоши (0,7 %) ва Пахтаобод (0,6 %) туманларига тўғри келди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 164,8 % ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 79,1 % ни ташкил этди.

	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь	2017 йилнинг январь- декабрига нисбатан фоизда
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, млрд.сўм	12937,9	21323,7	164,8
<i>шу жумладан:</i>			
озик-овқат товарлари	1547,9	1585,1	102,4
ноозик-овқат товарлари	11390,0	19738,6	173,3


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда)

2017 йил январь-декабрь




2018 йил январь-декабрь




■ Озик-овқат товарлари ■ Но озик-овқат товарлари ■ Ароқ вино маҳсулотлари

**Худудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги
улуши, % да**
(2018 йилнинг январь-декабрь ойларида)



**Худудлар бўйича истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш
суръати**
(2018 йил январь-декабрь ойлари)



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 4995,5 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларининг ўсиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишининг ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади.

	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	54	51
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	36	38
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд.сўм</i>	1844,0	4995,5
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ доллари</i>	45,6	11,1
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	34	18